

"Инноватор аёл" кўрик-танлови бўлиб ўтди

// 16 fevral 2024 йил

<https://pda.uzkymyosanoat.uz/uz/press/news/innovator-ayol-kurik-tanlovi-bulib-utdi>



[dehkanabadpotashplant](#)



uz-potash.uz



(+99875) 612-50-05

"Деҳқонобод калий заводи" АЖда хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб қилиш, жамиятнинг турли тармоқ ва соҳаларида илмий фаолият билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг янги ғоя ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда иқтидорли, интигувчан, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни аниқлаш мақсадида "Инноватор аёл" кўрик-танлови ўтказилди.



dehkanabadpotashplant



uz-potash.uz



(+99875) 612-50-05

Кўрик-танловда иштирокчилар экологик муаммолар ечими, янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, корхона харажатларини тежаш, иш ўринлари яратиш ва қўшимча даромад келтирувчи лойиҳаларни тақдим этишди.



dehkanabadpotashplant



uz-potash.uz



(+99875) 612-50-05

Ҳар бир тақдимотдаги ишланмалар ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан чуқур ўрганилиб, баҳолаш мезонида ғояларнинг долзарблигига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов якунларига кўра:

- 1- ўрин Дилором Куйлиева, Сув таъминоти ва канализация цехи , ички сув таъминоти ва канализация участкаси цех технологи;
- 2 - ўрин Маҳзуна Кучкинова, Маркетинг ва сотиш бўлими сотиш бўйича иқтисодчиси;
- 3 - ўрин Юлдуз Абдурахмонова, Завод марказий лабораторияси кимёвий таҳлил лаборантни эгаллади.

Иштирокчилар пул мукофоти билан тақдирланди. Голиб бўлган иштирокчиларимиз республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ Матбуот хизмати